

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Жамиятдаги ҳар қандай эзгу мақсад ва муддаолар рўйи, энг аввало, она ва бола саломатлигига эришиш, ҳар тарафлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи билан узвий боғлиқдир. Буни чуқур англаган Тошкент тумани акушерлик комплекси жамоаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга, бор диққат-эътиборини оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларга чинакам қувонч улашишга қаратганлар.

Соғлом она – соғлом бола



110 ўринга мўлжалланган комплексда туғуруқ бўлими учун 60, ҳомиладорлар патологияси учун 35, гинекология бўлими учун 15 та ўрин ажратилган. Ҳар куни 10-15 тагача туғуруқ қайд этилиши ҳисобга олинса, бу ўтган ярим йилликда туғуруқхонада 2 мингдан зиёд чақалоқлар дунёга келди, 40 фоиз аёлларга илк бор оналик бахти насиб этди, дегандир.

2

Худудий секторлар фаолиятдан

Янгийўл туманида салкам 207 минг аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги 4 та секторга бандлик, ичимлик суви муаммоси, моддий ёрдам таъминоти, алимент, уй-жой ва кадастр масаласи, ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ кўплаб муурожаатлар пешма-пеш келиб турибди. Туман Халқ қабулхонаси томонидан ташкил этилган секторларнинг сайёр қабуллари тўғрисидаги маълумотларга ҳам эътибор берсак, масала янада равшанлашади.

ҚОҒОЗДА ЗЎР, АМАЛДАЧИ?

Муаммонинг ечими бор

– Жойлардаги ўрганишлар, халқ билан юзма-юз мулоқотлар тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Янгийўл тумани Халқ қабулхонаси мудири Ғуломжон Давлатов. – Бунда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, талаб ва истаклари ўрганилиб, ҳал этилаётгани юртдошларимизнинг давлат ҳокимияти идораларига ишончини мустаҳкамлаётир. Тумандаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғини, юздан ортиқ ижтимоий объектда ўтказилган ҳоким секторидagi 13 та, прокурор секторидagi 16 та, ички ишлар бошлиғи секторидagi 15 та, солиқ инспекцияси раҳбари секторидagi 14 та, жами 58 та сайёр қабулларда 1 минг 749 нафар фуқаро муаммолари ўрганилиб, ҳал этилмоқда.

Дарвоқе, бандлик масаласи ҳам туманда асосий муаммолардан бири. Президентимизнинг жорий йил 5 мартдаги "2019 йилдаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги Қарори ижросига қаратилган ишлар мунтазам назоратда турибди. Дастурга асосан, туманда биргина январь-май ойларида 434 та иш ўрни яратилди ёки белгиланган кўрсаткич 109,1 фоизга бажарилди. Аммо, бу жуда кам. Бундай дейишга асосимиз бор. Ахир, туманда 7 минг 117 нафар киши ҳақиқий ишсизлик мақомига эга. Демак, тумандаги туртала сектор раҳбари бандлик муаммосига асосий масала, деб қарашлари керак.

Мақсад – янги иш ўринларини кўпайтириш

Туманда таққос ва таҳлиллар ҳақида сўз борар экан, айрим раҳбарларда ўз фаолиятига сидқидилдан ёндашув сезилмайди. Масалан, оилавий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратишдаги суस्तкашлик тадбиркорларнинг муурожаатида кўтарилаётган муаммолардан биридир. Шунингдек, магистраль йўлларда пиёдалар хавфсизлиги, транспорт ҳаракати тартибга солинмаган. Айниқса, икки сменада ўқитиладиган умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг дарсга қатнови, автотўйларда йўл белгиларининг тўлиқ ўрнатилмагани секторлардаги сайёр қабулларда бўлаётган муурожаатларда акс этган.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида туманда юзага келаятган қатор муаммолар ечими жойида ҳал этилди. Ногиронлик аравчасига муҳтож кишилар талаби қондирилди. Улар учун зарур тиббиёт муассасаларига йўланмалар берилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар, мактаб ва тиббиёт масканлари газлаштирилгани, ёшларга тадбиркорлик учун шароит яратилгани, ишсизлар учун ярмаркалар ташкил этилгани, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам берилгани – буларнинг барчаси секторлар ўрганишлари самараси бўлди.

Атроф-муҳит мусавволигини асраш ва экологик маданиятни юксалтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Секторлар фаолияти давомида бу борадаги муаммолар ҳам жойида ҳал этилди.

2

Хабарингиз борми?

БИРИНЧИ АВГУСТДАН ИШ ҲАҚИ ОШАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 12 июлда қабул қилинган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармониға биноан, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилади.

Яъни, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи – ойига 223 000 сўм, ёшга доир пенсиялар – ойига 436 150 сўм, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – ойига 436 150 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдориди белгиланди.



Шунингдек, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади; II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар – пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизга оширилади; боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдориди қўшимча тўлов жорий қилинади.

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

«АНГРЕН» ЭИЗ: ИНТИЛИШ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

"Ангрен" эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, нефть ва кимё саноати маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, озик-овқат ва трикотаж буюмлари тури ҳамда ҳажми кўпайиб бормоқда.

2012 йилда асос топган эркин иқтисодий зона 4 минг гектар майдонда жойлашган. Бугунги кунга келиб, бу ерда АҚШ, ХХР, Германия, Корея Республикаси, Россия, Англия, Туркия, Қозғоғистон, Сингапур, Малайзия, Польша ва Болгария сармоядорлари иштирокида 50 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми ва татбиқ этилган лойиҳалар сони бўйича "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси мамлакатимизда етакчи ўрин эгаллайди. Масалан, мазкур йилнинг биринчи ярмида



бу ердаги корхоналар 1 триллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришди, экспортнинг умумий ҳажми эса, 19,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

– Бу ерда жами 5 минг на-

фардан зиёд одам иш билан таъминланган, улардан 4 минг 800 таси – ўзбекистонликлардир, – дейди "Ангрен" ЭИЗ Дирекцияси раҳбари Муталибжон Ҳожимуротов.

2

Халқ билан мулоқот

Аввал хабар берганимиздек, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов ҳудудлар бўйлаб сайёр қабулларини давом эттирмоқда.



ПИСКЕНТДА САЙЁР ҚАБУЛ

Навбатдаги сайёр қабул Пискент туманидаги "Ёшлар боғи"да ўтказилди. Унда Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев қатнашди. Шунингдек, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, тегишли ҳудуд сектор раҳбарлари, прокуратура, ИИБ ва муурожаатчи фуқаролар иштирок этишди.

Қабулда фуқароларнинг тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик, электр энергияси таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш, ички йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви, уй-жой, тиббий хизмат, моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муурожаатлари тингланб, кўплаб шикоятларга тўғри ва тезкор ечим топилди.

Қолган муурожаатлар бўйича масъулларга керакли кўрсатма ва топшириқлар берилди. Шунингдек, сайёр қабулда маълум вақт талаб этадиган муурожаатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Ўз муҳбиримиз Шерзод ҚОБУЛОВ олган суратлар

Бугунги сонда ўқинг:

ТУМАНЛАРИМИЗ НОМЛАРИ ҚАНДАЙ

ЎЗИЛИШИ КЕРАК?

Юқоричирчиқ
Ўртачирчиқ
Қуйичирчиқ
Пискент...

2

□ Мавзуга қайтиб

Тил – яқка бир шахсга бўйсунмайдиган, ўзининг қатъий қонунлари билан ривожланадиган, кўпчиликка – халққа тегишли бўлган умумий мулк. Табиийки, оқилона ва эҳтиёткорона муносабат шу тилга алоқадор бўлган ҳар бир кишининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шунга қарамайдан, шўро ҳокимияти миллий

Худди шундай ҳолатни амалда республикамизнинг барча минтақа ва ҳудудларида, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам кўриш мумкин эди. Айнан шунақа шўро-ча мафкуравийлик оқибатида Юқоричирчиқ тумани "Коммунист" деб номланди. Соф лисоний жиҳатдан олиб қараганда ҳам, бу шакл, ҳатто, ўзбек тили табиати-га мос тушмас эди. Чунки жой номи от сўз туркумига мос бўлиши керак, сифат сўз туркумига эмас. Тил тарафидан тўғри бўлиши учун "Коммунист" деб қўйиш мумкин эди. Худди шундай, Куйичирчиқ тумани "Ғалаба" деб ўзгартирилди.

Истиқлол моҳияти бу хатоларни тузатишни талаб қилар эди. Миллий ўзлгимизни англаш эҳтиёжи ҳам бу масалага ўтмишдан келиб чиқиб, бугунни ўйлаб, эртанги кунни ҳисобга олиб ёндашиш лозимлигини тақозо этар эди.

Жой номларини тўғри ёзиш ва тўғри ўқиш ана шу масалани ечишнинг мағзида туради. Шунинг учун ҳам мушаккиллик йилларида жой номларига муносабат халқимиз ва давлатимиз учун ўта муҳим миллий масалалардан бирига айланди. Деярли барча жой номлари қайта кўриб чиқилди, кўплари тарихийликка асосланган ҳолда ва миллий тийнатишимиздан келиб чиқиб қайта номланди.

Бироқ, бу борада ҳали тўла ҳал этилмаган муаммоларимиз ҳам анчагина.

Тошкент вилоятида ҳам яқин ўтмишдаги хатоларни тузатиш, қадимий миллий номларни тиклаш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Кўпдан-кўп тарихий номлар қайта тикланди.

Аммо бошқа муаммога дуч келдик. Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ туманлари номлари ўзбек тилидаги матнларда турлича ёзилади. Оқибатда бу борада уч хил вариант юзга келиб қолди. Кўпчилик – бу сўзларни "Юқоричирчиқ", "Ўртачирчиқ", "Куйичирчиқ" тарзда қўшиб ёзиш тарafdори. Аммо, кимдир "Юқори Чирчиқ", "Ўрта Чирчиқ", "Куйи Чирчиқ" деб битаяпти, бошқа биров "Юқори-Чирчиқ", "Ўрта-Чирчиқ", "Куйи-Чирчиқ" деб, яъни ўртада чизикча билан ёзишни маъқул қўяпти. Албатта, бунда "Чирчиқ" сўзининг дарё номи экани, яъни атоқли отлигидан келиб чиқилгани, Холбуки, туман номини ёзиш –

тилларга зугум ўтказди, хусусан, жой номлари орқали ҳам ўз мафкурасини мажбурият сингдириш сийсатини юритди. Ҳамма ёқ Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин... бўлиб кетган эди. Холбуки, бу "дахоларнинг ҳеч бири Ўзбекистонимизга қадам қўймаган.

расмий масала. У ҳамма жойда бир хил ёзилиши шарт.

Бу долзарб мавзу бундан анча йиллар аввал – "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2008 йил 25 октябрь сониди ҳам ушбу сатрлар муаллифи томонидан кўтарилган эди. Бироқ муаммо ҳамон муаммолигича қолиб келяпти.

Тўғри, бу уч ном икки сўзнинг қўшилмасидан ясалган, яъни булар қўшма от. Тилшуносларимиз

талаффуз қилиб кетаверади. Шу тариқа "нур шаҳар" (ёки қишлоқ) маъносидидаги "Фаркент"ни "Паркент" деб кетиллаверган ва шу шакл расмийлашиб қолган. Тошкент вилоятида Қуёш Паркент томондан чиққани учун ҳам бу жой шундай номланган бўлиши керак.

"Бекобод" – "бек" ва "обод", "Оққўрғон" – "оқ" ва "қўрғон", "Янгийўл" – "янги" ва "йўл", "Ғазалкент" – "ғазал" ва "кент",

Юқоричирчиқ
Ўртачирчиқ
Куйичирчиқ
Паркент
Бекобод
Оққўрғон
Янгийўл
Пискент...

киши номи эмас. Шунинг учун тил қоидалари бу уч жой номини қўшиб ёзишни ҳар томонлама тақозо этади. Энг оқилона йўл – шу. Келинг, шу оқилона йўлни танлайлик.

Яна бир жиҳат бор. Туркий тилининг "темир" қоидасига кўра, ўн-ўн беш сўз (масалан, "орт", "тўрт",

ТУМАНЛАРИМИЗ НОМЛАРИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛИШИ КЕРАК?

орасида, қўшма отларнинг ҳаммаси қўшиб ёзилиши керак, дегувчилар ҳам, ҳамма қўшма сўзларни қўшиб ёзиш шарт эмас, дегувчилар ҳам бор.

Бироқ агар қўшма сўз жой номига айланган бўлса, уни қўшиб ёзишдан бошқа йўл йўқ.

Аксар ҳолларда шундай қилиб келиняпти ҳам. Бунга мамлакатимиз жой номларидан хоҳланганча мисол келтириш мумкин: Қорақалпоғистон (қора+қалпоқ), Самарқанд (самар+қанд), Тошкент (тош+кент),

Сирдарё (сир+дарё), Сурхондарё (сурхон+дарё), Қашқадарё (қашқ+дарё), Каттақўрғон (катта+қўрғон), Нурота (нур+ота), Тўрақўрғон (тўра+қўрғон), Учкўприк (уч+кўприк), Юнусобод (юнус+обод), Яккасарой (якка+сарой), Янгиарик (янги+арик), Қорақўл (қора+қўл), Қўрғонтепа (қўрғон+тепа)...

Икки сўзнинг қўшилмасидан ташкил топган, қўшиб ёзилаётган жой номлари Тошкент вилоятининг ўзида ҳам етарлича бор. "Паркент" сўзи ҳам "пар" ва "кент" сўзларининг қўшилмасидан ҳосил бўлган. Форс-тожик тилида "фар" сўзи "нур"ни англатади. Ўзбек тилида табиятан "ф" товуши йўқ. У адабий тилимизда фақат бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда учрайди. Шунинг учун оддий аҳоли "ф"ни "п" тарзда

Ҳеч қандай асос йўқ эканми, демак, масала ҳал: буларни ҳам "Юқоричирчиқ", "Ўртачирчиқ", "Куйичирчиқ" шаклида қўшиб ёзиш зарур, вассалом.

Аммо, бу масалада яна бир нозик жиҳат ҳам бор. Агар бирор жойга киши номи қўйилган ва у икки сўздан ташкил топган бўлса, буларни ажратиб ёзишдан бошқа йўл қолмайди. Масалан, "Мирзо Улуғбек тумани". Шунда ҳам бу барибир, тилда ўзига хос мураккабликлар келтириб чиқаради. Масалан, "мирзоулуғбекликлар" дейилганда, қўшиб ёзишга мажбур бўламиз. Бундан ташқари, айна сўз кичик ҳарф билан ёзилади. Чунки, бунда от сифатга айланади ва сифат, тил қоида-сига кўра, кичик ҳарф билан битилиши шарт. Бундан ташқари, "лик" сифат асовчи қўшимчасини қўйиш учун ҳам қўшма сўзни қўшиб ёзишга мажбуриймиз.

"Юқоричирчиқликлар", "ўртачирчиқликлар", "куйичирчиқликлар" дейилганда ҳам шундай йўл тилида, албатта.

"Юқори", "ўрта" ва "куйи" сўзлари ҳам, "Чирчиқ" сўзи ҳам

Тошкент вилояти туманлари номига алоқадор яна бир муаммо бор. Бу – "Пискент" сўзининг ёзилиши билан боғлиқ масала. "Пискент" сўзи ҳам икки сўзнинг қўшилиши асосида шаклланган. Бу ердаги "пис" сўзи айнан нима маънони англатишини очик айтиш қийин. Бир тахминга кўра, у – форсча-тожикча "бист", яъни "йигирма" маъносидидаги сўз. Унда бу сўз "йигирма қишлоқ" маъносини билдиради. Бироқ моҳиятан бу "паст" сўзидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин.

да. Одатда ўзбекларимиз бир бўғинда ёнма-ён келган икки ундошнинг бирини қисқартириб талаффуз қилади. Яъни "паст"ни "пас" деб кетаверамиз. Эҳтимол, бу сўз "Пискент" бўлиши ҳам мумкин. Чунки, дарё Пискентга, яъни пастга қараб оқади. Унда бу "пастдаги шаҳар (ёки қишлоқ)" маъносини ифодалайди.

"Кент" сўзи форсча-тожикча "қондан" (қазмоқ, узмоқ) феълидан келиб чиққан. Мамлакатимизда бу сўз қўшилиши билан пайдо бўлган жой номлари – жуда кўп: Тошкент, Паркент, Ғазалкент, Заркент, Вобкент, Кумушкент, Шакаркент, Ўзбеккент... Аслида, "Самарқанд" сўзидаги "қанд" ҳам – "кент"нинг ўзгаришга учраган бир шакли. "Қўқон" ҳам илгари замонлардаги манбаларда "Хўқонд" тарзда битилган.

"мўрт", "бурч", "мурч", "қўнж", "тинч", "олд", "янч", "таянч" ва ҳоказоларни соқит қилганда, деярли ҳеч қачон бир бўғинда икки ундош бақамти, яъни ёнма-ён келмайди. Худди шунинг учун ҳам биз "жабр", "сабр", "қабр", "қадр", "умр" ва ҳоказо сўзларни айнан, яъни арабчадагидай ёзсак ҳам, икки бақамти ундош ўртасига "и" унлисини қўшиб ("жабир", "сабир", "қабир", "қадир", "умир" тарзда) талаффуз қиламиз. Ёки "стакан", "станция", "стол" каби сўзларда икки ундош бир бўғинда жуфтлашиб келгани учун уларни "истакан" ("истакон"), "истанса", "устал" деб талаффуз қилиб кетаверамиз, яъни бир унли ("и" ёки "у") орттираамиз.

Бу узоқ мулоҳазалардан муддао – келинг, "Пискент" сўзини "Пскент" деб ёзмайлик, деб айтиш.

Илим нима учун керак? Тўғри хулоса бериши учун!

Илмнинг хулосаси тўғри бўлса, энди ҳар биримиз, бахslashиб-ўчакишиб ўтирмасдан, шунга амал қилганимиз – кўп маъқул. Демак, бундан буён "Юқоричирчиқ", "Ўртачирчиқ", "Куйичирчиқ" ва "Пискент" деб ёзайлик.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари
номзоди

ҚОҒОЗДА ЗҲҲР, АМАЛДАЧИ?

Хусусан, чиқинди тўлдирилган чуқурлар кўмиб ташланди, ариқ ва зовурлар тозаланди. Тумандаги "Тоza худуд" давлат унитар корхонаси, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини жонлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мунозараларда ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ масалалар ҳам четда қолмапти.

Холислик – бош мезон

Янгийўл тумани прокурори Нозимжон Райимовга бириктирилган 2-сектор ҳудудда 16 та маҳалла мавжуд. Аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида жорий йил учун секторнинг "Йул харитаси" ишлаб чиқилган ва унга ҳал қилиниши лозим бўлган 946 та масала киритилган. Сектор бўйича масъул ходим Шохруҳ Очиловнинг таъкидлашича, бу масалаларнинг асосий қисми ҳал этилган.

Туман Халқ қабулхонасига энг кўп мурожаатлар кадастр масаласида бўлган. Шундан 23 та мурожаат ижобий, 46 таси ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилган. 19 тасига тушунтириш берилган. Хусусан, 2-секторга қарашли "Туябўғиз" маҳалла фуқаролар йиғини, Биродарлик кўчаси, 6-уйда яшовчи Раҳматулло Содиқов ва "Кенгичик" маҳалла фуқаролар йиғини, Далагузар кўчаси, 13-уйда яшовчи, икки фарзанднинг ёлғиз боқувчиси Нодира Юсуповалар Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар



ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Қарориди кўрсатилган талаблар асосида Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилишган. Январ ойидаёқ уларнинг ҳар бири 1 миллион 13 минг сўмдан маблағни агентлик ҳисоб-рақамига тўлов қилган. Бироқ, бу икки фуқаронинг муаммоси ҳал қилиб берилмаган. Ҳозиргача бор отанга, бор онанга, қабилида сарсон бўлиб юришибди. Демак, туман кадастр идорасидаги масъул шахслар фуқароларга тўғри маслаҳат беришмаган, уларнинг мурожаатига панжа орасидан қарашган.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Иброҳим Хасанов масъул бўлган 3-сектор штабига йўл олди. "Шўралисой" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган сектор штабида, афсуски, бирорта масъул ходимни учратмадик. Сўнг сектор масъул котиби Акмал Атаходжаевга телефон қилдик.

– Сектор ҳудудида 14 та маҳалла мавжуд, – дейди у. – Аҳолидан тушаётган мурожаатларни муаммо даражасига кўтармай, иложи борида, жойида ҳал этаймиз.

3-сектор фаолияти қандай ташкил этилганини билиш мақсадида "Марказ" маҳалласида бўлиб, фуқароларни суҳбатга тортидик.

– Маҳалламизда ичимлик суви муаммоси мавжуд эди, – дейди ўзини Хусанбой Хусанбоев деб таништирган фуқаро. – Туман ички ишлар бўлими бошлиғининг сайёр қабулида қилган мурожаатимиздан сўнг, маҳалламиз ҳудудида 250 метр чуқурликдан ичимлик суви чиқарилди. Эндиликда 380 хонадонда яшовчи 3 минг 200 киши тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Маъмуржон ҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ВАЗИРЛИКДАН ТУҲФА

Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатида АКТ вазирлиги томонидан компьютер синфи ташкил этилиб, замонавий компьютерлар билан жиҳозланди.

□ Эътибор



Шунингдек, оптик тололи алоқа линиялари орқали юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди, деб ёзмакда Хабар уз.

Тарбияланувчиларнинг оила оъзолари билан мулоқот қилишлари учун алоҳида сўзлашув хоналари ҳам ташкил этилди.

ХУШҲАБАРЛАР, ЭЗГУ НИЯТЛАР ОШЁНИ

– Она соғ бўлсагина соғлом фарзанд дунёга келади, – дейди акушерлик комплекси бош шифокори Севара Исмаилов. – Шунинг учун қизларни оналикка тайёрлаш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарбиятини кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида барча маҳаллалар қошида ташкил этилган "Саломатлик мактаблари" ҳамда КВП ва ҚОПларга гинеколог шифокорлари

Бошланиши 1-бетда

– Улар орасида дунё стандартларига тўлиқ жавоб берувчи, энг сифатли маҳсулотлар ва қурилиш анжомларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи мутахассислар талайгина. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида замонавий телевизорлар, сэндвич панеллар, велосипедлар, сополдан ясалган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича яна 9 та инвестицион лойиҳани татибқ этишга улгурдик. Бундай истиқболли лойиҳаларнинг ҳал этилишига 22 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар йўналтирилди. Йил охиригача ушбу кўрсаткични 98,7 миллион АҚШ доллари

Бошланиши 1-бетда

мизни бириктирганмиз. Аҳоли, жумладан, хотин-қизлар билан ўтказилаётган юзма-юз мулоқотларда, туман ФХДБ бўлими билан ҳамкорликдаги "Ёш оила мактаби" сабоқларида оналар ва болалар саломатлиги, миллат генофондини яхшилаш масаласи илгари сурилмоқда.

Бугунги кунда барча чақалоқлар, ўсмир қизлар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинган. Акушерлик комплексини замонавий тиббий жиҳозлар билан



таъминлини хотин-қизларнинг саломатлик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, муассасада 19 нафар аку-

«АНГРЕН» ЭИЗ: ИНТИЛИШ, ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

етказишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг натижасида яна 20 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, пахта тозалаш корхоналари учун дисклар, юк автомашиналари учун кузовлар, деворни безатувчи ёмшлар, қўйма металлдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Автоқлави газ-бетон блоклари ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши мамлакатимизнинг қурилиш компанияларига жуда кўл келади. Бинобарин, маҳаллий гипс, қум, цемент ва кўмир қазиб олиш саноати чикинди-

ларидан ишлаб чиқариладиган деворбоп материаллар енгиллиги ва чидамиллиги билан ажралиб туради.

Яқиндан эса "Lyux Granit" қўшма корхонаси жамоаси қурилиш индустриясида талаб катта бўлган керамогранит плиталарининг дастлабки партиясини ишлаб чиқара бошлади. Керамогранит жуда пишиқ ва пухта материал ҳисобланиб, намгарчилик ва паст ҳароратга ўта чидамли, ушбу маҳсулот Туркиянинг таңли "Brinvest Gayrimenkul Ticaret Anonim Sirketi" компа-

нияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилишига 50 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилди. Катта сармоя эвазига Италиянинг "SITI B&T Group" компаниясидан энергия тежамкор ва юқори технологик линия келтирилди. Ушбу илғор технология хом ашёга сифатли ишлов беради ва ҳаттоки тайёр маҳсулотни замон талабларига мос равишда кадоқлайди. Юқори самарали печлар ва қуритувчи жиҳозлар бошқа

рофжон Ибрагимовнинг сўзларига кўра, ишлаб чиқариш қувватлари тўла-тўқис ишга туширилиш, мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотга бўлган талаб қондирилиб, йилга 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тежалишига асос бўлади. Ҳозирги кунда Қирғизистон, Тожикистон ва афғонистонлик ҳамкорлар билан экспорт шартномаларини имзолаш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Фармон ва ижро

Бугунги шиддатли ислохотлар жараёнининг устувор йўналишларидан бири, шубҳасиз, мамлакатимиз ёқилғи-энергетика соҳасини тубдан ривожлантиришга йўналтирилгандир. Хусусан, соҳада давлат иштирокини қисқартириш, ёқилғи-энергетика комплексига хорижий инвестицияларни фаол жалб

қилиш, тармоқда бошқарув тизимини ислох қилиш ва тариф сиёсатини тақомиллаштириш, соҳа корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг асосий негизини ташкил этади.

ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ КАФОЛАТИ

Ислохотлар мароми эса, биринчи галда электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада молиявий интизомни янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги "Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада тақомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айна шу вазифалар ижросида муҳим дастуриламал бўлди.

Хужжатга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб газ таъминоти ташкилот-

лари томонидан табиий газни сотишдан тушадиган маблағлардан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солигини чегириб ташлаган ҳолда, 5 фоиз миқдорда амалга оширилади. Табиий газ ва электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тижорат банклари томонидан автоматик тартибда амалга оширилади.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчилар сонини 2019 йилнинг охиригача камида 2,5 миллионга етказиш кўзда тутилмоқда ва 2020 йилнинг охиригача умумий абонентлар сонининг 100 фоизини шу тизим билан қамраб олиш-

ни таъминлаш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлди.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига 2020 йилнинг 1 январига қадар ижро этилиши шарт бўлган муҳим вазифалар юқланди. Жумладан, иссиқлик таъминоти ташкилотларининг энергия ресурслари етказиб берувчилари ва коммунал корхоналари олдидаги 2019 йил 1 апрель ҳолатига мавжуд бўлган кредитор қарздорлигининг қолган қисми иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан истеъмолчиларнинг ялпи инвентаризациясини ўтказиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўлиқ ҳажмда пул маблағлари тушумини

қатъий назорат қилиш, шунингдек, қарздорликни қисқартириш учун қўшимча резервларни излаб топиш ва уларни молиявий соғломлаштириш бўйича амалий чораларни кўриш орқали қопланиши лозим. Иссиқлик таъминоти ташкилотларининг энергия ресурслари етказиб берувчилар ва коммунал корхоналари олдида кредитор қарздорлигининг қолган қисми, уларнинг ўз маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиши таъминланади.

Халқимизда "Ҳисобини билмаган ҳамёндан айрилар" деган гап бор. Бинобарин, бугунги давр ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳар қачонгидан ҳам ошириб, ундан аниқ ҳисоб-китоб ва омиқкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Шундай экан, фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва бекаму кўст рўёбга чиқарилиши халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда қатъий интизом ва оқилона ёндашувни қўлайтиришга хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятlidir.

Аҳмаджон КАБУЛОВ,
"Ўзнефтгазинспекция"
Тошкент худудий
бошқармаси бош
мутахассиси

Сизчи, ҳурматли ўқувчи, ҳеч: "Мен ўзим Ватан ёки халқ учун нима қилдим?" деб ўйлаб кўрганмисиз? Тўғри-да, касби-миз бўйича ишлаётган ёки бирор вазифани бажарётган бўлсак, бунинг учун давлат иш ҳақи тўлаяпти, касбга доир айрим турдаги солиқлардан озод қилапти, имтиёзлар берапти.

Албатта, ўз бурчини, мажбуриятларини тўла-тўқис бажарётган юртдошларимиз ҳам кўп. Лекин...

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг халқ билан мулоқот қилиш, уларни тинглаб, дарди-га малҳам бўлиш, мавжуд муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, оғирини енгил қилиш гоёлари ҳаётга татбиқ қилиниб, ҳар бир туман ва шаҳарларда Халқ қабулхонала-

рандачилик билан шугулланиш, оилавий тадбиркорлик ташкил этиш ва бошқа бир қатор лойиҳалар бўйича имтиёзли кредитлар олиш мумкинлиги ҳақида тушунтириш олиб боришди.

Ҳўш, нега ушбу тадбирлар учун банклар, маҳалла фаоллари ва корхона-ташкilotлар раҳбарлари жавобгару, аслида бундан манфаатдор бўлган ўзимиз "Олма пиш, оғзимга туш" қабилида кун кечирамиз.

Статистик маълумотларга кўра, бизнинг Юқоричирчиқ тумани бўйича жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 176 та ёрдамга муҳтож оила ўз томорқаларига экишлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 9 миллион сўмлик сабзавот, 12 миллион мева кўчатлар тарқатилди ҳамда 45 оилага 101 миллион

фуқаролар қонунни бузганликларидан ҳатто уялмасдан, "Нега шу пайтгача ноқонуний уй-жой кўрганлигимизни бизга ҳеч ким айтмаган", деб судга эътироз билдиришди. Ўзбошимчилик билан қилинган ҳаракат оқибатида нафақат қонун бузилди, балки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солинди. Чунки, статистик маълумотларга кўра, республикаимиз бўйича бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган сувли ер майдонлари миқдори ҳар бир фуқарога ўртача 0,12 гектардан тўғри келган, бу эса аҳоли сонини ортиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерлар камайиб бормоқда дегани. Ахир, ҳўш, ҳар ким ўзи хоҳлаганича ерларни талон-торож қилса эртанги авлод учун

ФАРОВОН ҲАЁТ ОРЗУСИ

унга гап билан эмас, меҳнат билан эришилади

Баъзан ватанпарварлик, фидойилик каби муқаддас тушунчалар шунчаки баландпарвоз гапларга айланиб қолаётгандек туюлади. Эл-юртга садоқат ва муҳаббатдан жўшиб сўзлаётган айрим кимсаларга қарата, "Шошма, бирдор, ватанпарварлик, фидойиликни қўятур, ўз конституцион бурчингни, мажбуриятингни бажараясанми, мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга ўзингни дахлдор деб ҳис қилаясанми, лоақал кўчани ифлослантirmаясанми ёки фойдаланган газ ва электр энергияси учун тўловларни вақтида тўлаясанми?" деб сўрагинг келади...

Нуктаи назар

ри фаолият кўрсатмоқда, жойларда янги ишлаб чиқариш объекти қурилиб, эскилари модернизация қилинмоқда, балиқчилик, чорва ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, қишлоқ аҳолисини уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида замонавий уйлар қурилмоқда, тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг ижобий тарафга ўзгараётгани сезилмоқда. Одамларнинг ҳақуқуқларини ишончли муҳофаза этиш мақсадида суд, прокуратура, ички ишлар органлари ислох қилинмоқда. Буларнинг замирида ўша олий муддао – инсон манфаатларини таъминлаш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш мақсади муҳассамдир.

Ҳўш, бунга жавобан биз нима қилдик? Ватан учун, юрт учун эмас, ўзимиз учун нима қилдик? Яратилаётган шароитлар, имкониятлардан тўғри фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, қарашларимизни, қўлларимизни ўзгариштиришга уринаймизми?

Баъзан, юзага келишига ўзимиз сабабчи бўлаётган кундалиқ рўзгор муаммолари билан Халқ қабулхонасига боришни биламиз, лекин уй-жойларимиз, томорқаларимиз имкониятларидан фойдаланган ҳолда шароитимизни яхшилашимиз мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Кам таъминланган оила сифатида нафақа олиш учун мурожаат қиламиз, бироқ оила бюджетини яхшилашга қаратилган имтиёзлар ёки кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланмаймиз. Нега?

Жорий йилнинг бошидан ҳали дунё амалиётида бирорта мамлакатда мавжуд бўлмаган аҳолини имтиёзли шартларда кредитлаш тизими жорий қилинди. Банклар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқаларида деҳқончилик юритиш, чорвачилик ва пар-

900 минг сўм моддий ёрдам берилди. Кам таъминланганларга нафақалар беришига қарши эмасман, лекин бу мақомдан чиқиб имкониятларидан фойдаланиш мумкинми-йўқми? Нега турмушимизни яхшилашга ўзимиз ҳаракат қилмай, боқимандаликни имкониятларимиздан устун кўямиз? Қолаверса, давлат бюджети ҳам чексиз ва тўбсиз хазина эмасдир, ахир!?

Чунки боқимандаликни, турли-туман "кент"лару "орбит"лару сотиб кун кечиришни яхшироқ, деб биламиз.

Ёки ҳар бир йиғилишда туман раҳбарлари фермерларга, ўз бурчидан келиб чиқувчи вазифалар ҳақида тақдор ва тақдор ўқитмагунгача ер эгаси ўзидан бирор ташаббус чиқармайди. Фермер ўзи билиб шартномавий мажбуриятларини бажариши кераклигини ўйлаб кўрмаса, мутасадди идоралар маҳаллаларда, кўчаларда ва кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш тадбирлари ўтказишни ташкил қилмаса, коммунал тўловлари бўйича дебитор-кредитор қарздорликларни камайтириш чоралари кўрилмаса – тирикчилигимизнинг асоси бўлган ўз вазифамизни, ишимизни тўлиқ бажараямиз, дея оламизми?

Яна бир гап. Айрим фуқаролар томонидан кундалиқ ҳаётимиздаги муносабатларда қонунларни бузиш, қоидаларга риоя қилмаслик ёки уларни менсимаслик одатий ҳолга айланиб бормоқда. Яқинда хизмат тақозоси билан фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ тумани судида ноқонуний қурилган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ низо муҳокамасида иштирок этишимга тўғри келди. Бир қатор фуқаролар туман ҳокимининг қарорисиз фермер ҳўжалиги балансидаги ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб, уй-жой қуриб олишган экан.

Ҳайратга солгани шуки, бу

нима қолиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш аҳоли қай даражага тушиши мумкинлигини ўйлаб кўрганимизми?

Шунингдек, дорихоналар тизимини олайлик. Давлатимиз аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, дори воситалари билан савдо қилишни тартибга солишга киришган эди, бир зумда пештахталардан айрим турдаги дорилар йўқ бўлиб қолди. Кўчаларда очикчасига валюта айирбошлашимиз, пластик карталардан пул ечишни "бизнес"га айлантириб олганимиз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Йўлларда ҳаракатланиш масаласи эса борган сари ўта муаммоли бўлиб қолмоқда.

Бундан анча йиллар аввал хизмат бўйича тажриба алмашиш учун Япония давлатида бўлган эдим. Мени қайли қолдирган жихатлардан бири шу бўлдики, япон ҳайдовчилари йўлларда ҳаракатланувчи бошқа иштирокчиларга ҳалал бериши мумкин бўлган бирорта ҳаракатини, бундай ҳаракат қилиш қонун билан мумкин бўлса ҳам, қилишмайди. Буни уларда "ҳайдовчилик маданияти", дейишади. Биздаки, ҳайдовчиларнинг бир-бирига ва пиёдаларга нисбатан ҳурматсизлиги ҳам майли, кўр-кўрона қоида бузилиши, ҳатто, одам ўлимига ҳам олиб келаётганлиги ачинарлидир.

Албатта, буларни назорат қиладиган, тегишли чора кўрадиган идораларимиз бор. Лекин бизчи? Жабрийда бўлган нимада "Прокурор, ички ишлар ёки солиқ қайда қараяпти?" деб дод солишни биламиз, лекин ўзимизнинг жамоат назорати деган фуқаролик бурчимизни адо этишдан кўра, "Менга нима?" дея, қўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олишни афзал ҳисоблаймиз.

Бир қарашда бу гаплар кундалиқ майда муаммолар бўлиб кўриниши мумкин, бироқ Навоий бобомиз "Катра-катра йиғилиб, дарё бўлур", деганларидек, йирик оқибатлар айнама майда муаммолардан келиб чиқишини унутмаслик керак. Қолаверса, давлат ишончини, у яратётган имконияту шароитларни суиистеъмол қилишининг вақти келиб, жавобини беришимиз ҳам бор.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
Юқоричирчиқ тумани
ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

1 МИЛЛАРДГА ЯҚИН ЗАРАР ЕТДИ

Мажбурий ижро бюроси Зангиота туман бўлими ходимлари ва "Сув-оқова" ДУК Зангиота филиали ҳамкорлиқда туман ҳудудида ичимлик суви тармоғига уланиш ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш юзасидан текширув ўтказди.

Натижада таъминотчи корхонага тегишли подстанцияда фаолият олиб борувчи шахслар ичимлик суви тармоғига ноқонуний улашиб, подстанцияга ҳисоблагичсиз ичимлик суви крани ўрнатиб, фойдаланиб қалаётганлиги аниқланган.



Тошкент вилоят "Сув-оқова" ДУК марказий абонент хизмати томонидан қилинган ҳисоб-китобларга кўра, мазкур ҳолат юзасидан ДУКга жами 968.649.920 сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Мажбурий ижро бюроси Зангиота туман бўлими томонидан "Зангиота туман электр тармоқлари корхонаси" ишчи-хизматчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185-2-моддаси 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ў.А.

Маънавий тарғибот

Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, ҳамма ҳам ҳуқуқларидан тўғри

фойдаланаяптими? Фуқаролар ўз фарзанди, унинг келажаги учун эътиборлими? Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан огоҳми?

БЕФАРҚ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ



Юқоричирчиқ туманининг "Балиқчи" маҳалласида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда узоқ муддатга хорижа кетган фуқароларни Ватанга қайтариш бўйича тизимли равишда олиб борилаётган тарғибот ишларида ҳамкорликни кучайтириш мавзусида семинар ўтказилди.

Тадбирда тегишли ташкилот ва муассасалар мутахассислари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Семинарда сўзга чиққанлар узоқ юртларга даромад топиш мақсадида кетган фуқаролар ўз ҳуқуқларини билмасликлари ҳамда оиласи ва Ватани олдида жавобгарлиқни ҳис этмасликлари сабабли ортага қайтмаётганликлари, айримлари одам савдоси қурбони бўлаётганликлари

ҳақида гапирдилар. Шунингдек, ўзга давлатларга иш излаб кетган юртдошларимиз у ерларда муносиб ҳаёт кечириб, дуч келган, ҳатто, жирканч ишларни бажаришга мажбур бўлаётгани ёки алданиб турли оқимларга қўшилиб қолаётгани, оқибатда Ватанига қайтиб кела олмай, сарсону саргардон юргани ҳақида тўхталишди.

– Ўшбу семинардан кўзланган мақсад, – дейди "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлими раҳбари Мохира Ходжаева, – ана шундай адашганлар сафида бўлмаслик учун ҳар бир фуқаро, айланик, ёшларга ўз ҳуқуқини тўғри тушуниб олиши ва барча саъй-ҳаракатларини шунга асосланиб бажариши кераклигини англатишдан иборатдир.

Шунингдек, вояга етмаган

фарзандларнинг тарбияси, қолаверса, тақдир ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги, аввало, ўз фарзанди, оиласи, Ватани олдидаги жавобгарлигини ҳис қилиши, ҳуқуқ ва бурчни англаши ҳақида мутахассислар фикр билдирдилар.

Худди шундай тарғибот тадбирлари вилоятимизнинг Бекобод, Пискент, Бўстонлик ва Оҳангарон туманлари ҳамда Ангрен, Бекобод, Оҳангарон ва Нурафшон шаҳарларида ҳам ташкил этилди.

Мазкур семинарларда бугун ўзга юртларга иш излаб кетиб, муаммолар гирдобига тушиб қолаётган, ўз Ватанига қайтиб келолмаётган фуқаролар тақдирига давлатимиз раҳбари томонидан қатта эътибор қаратилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ў.А. МУХБИРИМИЗ

ҚАМРОВ ТУБДАН ОШАДИ

Қуйичирчиқ туманида ҳам мактабгача таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кўламли саъй-ҳаракатлар алоқачон бошлаб юборилган.

Мактабгача таълим

Ҳозирда туманда 20 та давлат тасарруфидига ва 7 та нодавлат ҳамда хусусий шерикчилик, оилавий таълим муассасалари мавжуд. 2 минг 765 нафар бола давлат таълим муассасаларида тарбияланаётган бўлса, 271 нафар бола нодавлат МТМларга жалб этилган. Ушбу йилда 586 нафар болалар мактабга тайёрлаб берилди.

Албатта, бугунги асосий вазифа нодавлат ҳамда оилавий таълим муассасаларини янада ривожлантиришга қаратилган. Ана шу мақсадда тадбиркорлар билан келишган ҳолда хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасаси ташкил этишга ҳаракат қилинаётир. Мисол учун, Сайёра Сулаймонова

ва Раъно Фаниеваларнинг ҳар бирига 2 миллиард 250 миллион сўмдан кредит маблағлари ажратилди.

Айни дамда "Йўл харитаси" асосида 12 та боғчани таъмирлаш дастурга киритилган. 6 та МТМ мукамал таъмирдан чиқарилди. 2 та МТМ инвестиция дастури доирасида бутунлай янгидан бунёд этилмоқда.

Тумандаги мактабгача таълим муассасаларини имкон қадар замон талаблари даражасида жиҳозлашга ҳаракат қилинапти. Жумладан, Корея давлати билан ҳамкорликда 2 та боғчага пианино, 8 та МТМга қисқа муддатда гуруҳлар учун замонавий жиҳозлар олиб келинди. Кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсади-



да МТМларнинг 45 нафар тарбиячиси Чирчиқ давлат педагогика институтининг мактабгача таълим бўлимида таҳсил олмоқда.

Обод марказ йўналишида туманнинг Беруний номи маҳалласида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Маҳалладаги 200 ўринли 17-МТМ Меҳнат ва-

зирлиги ҳомийлигида намунали муассасага айланоқда.

Режага кўра, тумандаги 4 та секторда янги кластерлар ҳомийлигида яна 4 та МТМ қуриб берилиши кўзда тутилган.

Зиёда УМАРОВА,
туман мактабгача таълим бўлими mudiri

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уйда жойлашган "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Бекобод филиали ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини бажариш, жумладан, "Ошхона қурилиши" ва филиал биносининг том ва фасад қисмининг жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Бекобод шаҳри, Аббасов кўчаси, 264-уй. Тел.: (0-370) 214-21-46.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб, 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

ЧИРЧИҚ ИЛҲОМЛАРИ РИМ САҲНАСИДА

Санъатга қизиқувчи ёшлар учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар ўз мевасини бермоқда. Бунга турли халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритаётган иқтидорли ёшларимиз мисолида кўриш мумкин. Улар орасида вилоятимиз вакилларининг кўпчилиги кишини қувонтиради.

Офарин!



Яқинда Италиянинг Рим ва Пезаро шаҳарларида болалар ва ўсмирлар ўртасида "Grand festival" деб номланган халқаро танлов ўтказилди. Унда дунёнинг 16 та йирик мамлакатидан 1 минг 500 га яқин иштирокчилар қатнашди. Танловда Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли Болалар мусика ва санъат мактабининг 4 нафар иқтидорли ўқувчиси муносиб иштирок этди. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъатининг ҳайрати ва томошабинларнинг оқибига сазовор бўлди.

Яқиний натижаларга кўра, Далер Бегматов, Бехруз Юнусов, Муштарий Абдухамидовалар эстрада хонандалиги йўналишида 1-ўринни қўлга киритишди. Халқ чолғулари йўналиши бўйича Муборакбону Абдухамидова барчани лол қолдириб, олий ўринни эгаллади. Шунингдек, Муштарий Абдухамидова хореография йўналишида ҳам қатнашиб, 3-ўрин соҳиби бўлди.

Танлов ғолибларининг таассуротлари ва келажадаги режалари билан танишиш

мақсадида мусика мактабининг бўлди.

Мактабимизда 12 та йўналиш бўлиб, уларда 325 нафар ўқувчи тахсил олади, дейди мактаб раҳбари Ахрор Улуғбеков. — Улар орасида истеъдодлилари кўпчиликини ташкил қилади. Ўқувчиларимиз шаҳар, вилоят, республика ва халқаро танловларда мунтазам қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб қилишади. Ҳозирда ўқувчиларимиз учун замонавий жиҳозлар билан таъминланган янги мактаб қуриломоқда. Энди ўқувчиларимиз янада қулай шароитларда ўқиб, изланишади.

Италиядаги ғолиблик халқаро танловлардаги биринчи ютуғим бўлди, дейди Далер Бегматов. — Жуда ҳаяжонландим. Энг муҳими, танлов менда катта таассурот қолдирди. Келажада, албатта, санъат йўналишида изланишни давом эттираман.

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

«Тошкент ҳақиқати» таништиради

Ўн саккиз ёшида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ "Шухрат" медали, йигирма тўрт ёшида эса "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланиш... Очиги, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ангрэн фарзанди Бехзод Болтаев бугун ана шундай шарафга муяссар бўлиб турибди.

Албатта, катта ифтихор билан айтиш керакки, бугун амалга оширилаётган кенг қўлмали ишловларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчан ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришга катта эътибор қаратиломоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 ноябрдаги "Мард ўғлон" давлат мукофотини



лар оралиғида таэквондониинг ITF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларининг 3 карра ғолиби бўлган.

Шундай қилиб, Бехзод фан ва спорт соҳасида эришган юқори натижалари учун 2014 йилда ТошПТИга имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Ўқиш даврида ҳам изланишдан тўхтамади. Жумладан, 2016 йили Тбилисида кимё фанидан бўлиб ўтган 48-Бутунжаҳон олимпиадасида илмий қузатувчи сифатида

БЕЗАМОҚ ЧОҒИДИР УМР ДАФТАРИ...

иштирок этди. 2017 йилда институтда "Ички касалликлар ва ИКП" мавзусида ўтказилган талабалар конференциясида 1-ўринни эгаллади. 2018 йилда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро педиатрия олимпиадасида ТошПТИ жамоаси таркибида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясининг тиббиёт олийгоҳлари талабалари учун таъсис этган стипендиясининг 2018-2019 йиллардаги ғолиби бўлди. Ҳозиргача Б. Болтаевнинг тиббиётдаги долзарб масалаларга оид 20 дан ортиқ мақола ва тезислари чет давлатлардаги турли халқаро журналларда чоп этилган.

Рус ва инглиз тилларини мукаммал эгаллаган қаҳрамонимиз тиббиёт соҳасида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда.

Айни кунларда унинг ишлари янада кўпайган. Ўқишни давом эттириш, илмий изланишлар олиб бориш билан биргаликда, ТошПТИ қошидаги академик лицейнинг иқтидорли ўқувчиларидан таркиб топан жамоаси билан июль ойининг сўнгги кунларида Париж шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 51-Бутунжаҳон олимпиадасига тайёргарлик кўрмоқда.

Дарҳақиқат, юқорида саналган ютуқлари Бехзод Болтаевни тоғ маънода "Мард ўғлон" мукофотига муносиб эканидан далолат бермоқда. Қаҳрамонимизга янада юқори марраларни забт этишида омад тилаймиз.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 2019 йилнинг юбилей рассомлари асарларини ташкил топган ретроспектив кўргазма очилди.

ТАСВИРГА КЎЧГАН ҲАЙРАТЛАР

Анъанага айланган "Бизнинг мерос" туркумидаги ушбу кўргазмадан Ўзбекистоннинг рангтаъсир, графика ва ҳайкалтарош усталарининг 200 га яқин асарлари ўрин олган. Тақдим этилган ижод намуналарининг даврий диапозони кескин курашлар даври бўлган XX асрнинг 40-йилларидан то 2000 йилларгача бўлган вақтни ўз ичига олган бўлиб, уларда давр руҳи жаҳиятдаги ҳаётнинг, турмуш тарзининг, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг айрим жиҳатлари акс этган.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, экспозициядан ўрин олган барча асарлар диққат ва эътиборга, ўрганиш, хотирлаш ва қадрлашга лойиқдир. Кўргазмага келган санъат мухлислари тарихимиз ҳақида маълумотлар олиш билан бирга, мулоҳаза юритиб, ижодий фикрлаш имкониятига эга бўладилар.

Экспозицияда ижодкорларнинг "Хирмонда оқшом", "Фронтга, отамга", "Пахта даласида. Янгиликлар", "Баҳорги кўчат", "Сув бериши", "Ховуз бўйида", "Емғирли кун", "Отлик аёл", "Чўпонлар ёнида", "Хайдалган ерлар", "Чўлда", "Олтин куз", шунингдек, рассомлар Урол Тансиқбоев, Вениамин Кедрин, Дилёр Имомов, Иван Енин ва бошқаларнинг турли йилларда яратилган "Бурчмулла тоғларида", "Баҳорги Чимён", "Оқшо-да баҳор", "Чорвоқ сув омбори", "ТашГРЭС", "Чирчиқ қурилиши", "Чирчиқ электр комбинати", "Олмалик", "Сўқоқ геометрияси" каби ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Кўргазма жорий йилнинг 12 августига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЎЗГИ ТАЪТИЛ:

ТАШАББУС БОР – ЗЕРИКИШ ЙЎҚ

Бекобод шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар марказида Юртбошимиз илгари сурган беш ташаббус бўйича ўқувчиларнинг ўзги таътилини мазмунли ўтказиш учун барча шароитлар яратиб берилган.

— Шу кунларда марказ қошидаги 34 та тўғарада 743 нафар ўқувчи ўз қизиқликлари бўйича билимларини оширишмоқда, — дейди марказ директори Омина Раҳмонбердиева. — Рассомлик, рақс, компьютер, кўғирчоқ



театри, ёш техниклар, спорт тўғарақларимизда болалар фаол иштирок этишмоқда.

Жумладан, ёш техниклар тўғарагига 20 нафар бола жалб қилинган. Яқинда беш ташаббус доирасида вилоятда ўтказилган "YOUTH TECHNO ART" болалар техник ижодкорлиги бўйича халқаро фестивалда тўғарақ аъзолари Аббос Комилов, Худойбер-

ди Жўраев "Роботлар техникаси" йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига чиқишди.

СУРАТЛАРДА: танлов ғолиблари Аббос Комилов, Худойберди Жўраев; рассомчилик тўғараги раҳбари Дониёр Усмонов шогирдлари билан.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган суратлар

Эҳтиёт шарт!

Вилоят Фавкуллода вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилган кузатувларга кўра, 2019 йил ёз мавсумининг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг сувда чўқиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони кескин ортган. Вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, канал ва сув омборларида 6 маротаба бахтсиз ва нохуш ҳодисалар содир бўлган.

Фуқаролар оммавий чўмилиш жойларининг (қўриқланмаган ва қўриқланмайдиган дарё, анҳор, каналлар, кўллар, пляжлар, бассейнлар ва ҳоказо) мавсумга тайёргарлиги, уларнинг қўриқланиши, тиббий ва санитария-гигиена талабларига мослиги, сув ҳавзасининг ҳолати, уларда хавфсизлик масалаларининг таъминланаётганлиги, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг ҳолати ва у ердаги фуқароларни қўқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг ташкил этилганлиги ва шайлигини ўрганиб чиқиш мақсадида, яқинда вилоят фавкуллода вазиятлар, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бош бошқармалари, Миллий гвардия, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Бўстонлик тумани ҳокимлиги масъул ходимлари билан ҳамкорликда текширувлар ўтказилди.

Ўтказилган профилактик тадбирлар жараёнида сув ҳавзалари раҳбар ва ходимлари, дам олувчи фуқаролар билан кенг тушунтириш ишлари олиб борилиб, чўмилиш қоидалари бўйича суҳбатлар уюштирилди. 1 минг 700 нафарга яқин вилоят аҳолиси ва меҳмонларига ёш болалар билан чўмилиш хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунчалар берилди.

Вилоят Фавкуллода вазиятлар

бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳудудий фавкуллода вазиятлар, ёнғин хавфсизлиги ва ички ишлар бўлимлари, "Чирчиқ – Охангарон" ирригация тизими ҳавза бошқармаси сувчилари, кўтқарувчи-ғаввослар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ёшлар иттифоқи кенгаши ва жамоатчилик кен-

ишлари олиб борилди, 5 мингдан зиёд эслатмалар тарқатилди.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи "Чирчиқ", "Охангарон", "Ангрэн", "Сирдарё" ва "Қорасув" дарёлари, "Анҳор", "Бўрижар", "Дамаши", "Жун", "Изза", "Калкауз", "Найман", "Рамадан", "Тентаксой", "Шимолий ва Юқори



Вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, канал, анҳор ва қўриқланмайдиган, қаровсиз қолган сув ҳавзаларида аҳоли томонидан чўмилиш доимий одат бўлиб қолган жойларга ва илгари чўқиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз берган ҳудудларга 407 та таққилловчи белгилар ўрнатилди ва бу каби ишлар давом эттирилмоқда.

Дарвоқе, Бехзод Болтаевнинг спорт соҳасида эришган муваффақиятлари ҳам эътиборга лойиқ. У 2008-2012 йил-

бўлган моторли, эшакли қайиқлар рўйхатга олиниб, техник қўриқдан ўтказилди.

Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини дам олиш мавсумига тайёрлаш ва уни ўтказиш даврида хавфсизлиқни таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш юзасидан вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Бўстонлик туманидаги "Ниҳол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда "Чорбоғ" дам олиш ва соғломлаштириш марказида "Сув ҳавзаларида чўмилиш қоидалари – саломатлик ва хавфсизлик гарови", "Сув ҳавзалари, бассейн ва пляж зоналарида хавфсизлиқни таъминлаш чоралари" мавзусида семинарлар ўтказилди. Семинарда болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларидан 270 нафардан ортиқ раҳбар ва ходимлар иштирок этди. Тадбир сўнггида иштирокчиларга чўмилиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш 420 донга эслатма материаллар тарқатилди.

"Тошбозор тайёровсавдо" уюшмасига қарашли деҳқон бозорлари ва улгуржи савдо шабоҳчаларига ўрнатилган мониторинг орқали вилоят аҳолиси ва меҳмонларига қўриқланмайдиган ҳудудларда, таққилловчи белгилар ўрнатилган жойларда чўмилиш мумкин эмаслиги ҳамда чўқиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тайёрланган видеоорлиқлар намойиш этилмоқда.

Ҳусан БОБОНОВ,
вилоят ФВБ бошлигининг
биринчи ўринбосари,
штаб бошлиги

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассиси: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли қўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар қўчаси, 32.	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz // th-pt@inbox.ru	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-85-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терили ва Тоҳир Маҳмуджон томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Кўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Зухриддин РАҲМОНОВ
--	--	---	--	--	---	--